14 ОКТ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 234 (5525).
12 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Синов поезди линияга чиқди

Тошкент метросининг иккинчи линияси биринчи навбати сўнгги босқичга кирди. Мавжуд бешта станцияда сўнгги умумий қурилиш ишлари охирлаб боряпти. Тошкентлик метросозлар ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига иккинчи линиянинг биринчи навбатини муддатидан 14 ой илгари фойдаланишга топшириш арафасида турибдилар.

Иккинчи линиянинг биринчи навбати шаҳарнинг энг гавжум нуқталаридан бири — Чиланзар йўналиши билан боғлайди. Тошкент темир йўл вокзали билан боғлайди. СССР Транспорт қурилиши министрлиги-нинг «Ташметрострой» трести коллективи янги линияни қарийб фойдаланишга тахт этиб қўйди.

БУГУН

Янги линия бўйлаб метрополитенлар қурилиши Бош бошқармасининг биринчи синов поезди йўлга чиқди. Синов поезди «Ойбек» станциясидан Тошкент темир йўл вокзали томон йўл олди. Тошкентлик метросозлар, шаҳар партия, совет органларининг вакиллари синов поездининг биринчи пассажирлари бўлдилар.

Метросозларни и н г навбатдаги меҳнат ғалабасига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан трест раҳбарлари, метросозлар янги линияни республикамиз юбилейига ишга туширамиз, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари В. Г. Гордиенко ва Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг Яман Араб Республикаси Президенти Али Абдалла Солиҳ билан ўтказган музокаралари якунларини муҳокама қилди ва маъқуллади. Бўлиб ўтган музокаралар ҳамда СССР билан ЯАР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланганлиги Совет-Шимолий Яман муносабатларини изчиллик билан ривожлантиришда муҳим босқичдир. Шартнома иккала мамлакатнинг ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш учун, уларнинг халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида биргаликда қилаётган ҳаракатлари, шу жумладан Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчликка эришишга қаратилган куч-ғайратлари учун пухта ҳуқуқий негиз яратади. Шу билан бирга Яқин Шарққа бағишланган ҳамда Фаластин Озодлик ташкилоти албатта ва тенг ҳуқуқли равишда қатнашадиган халқаро конференцияни чақириш шу мақсадга эришишнинг энг ишончли йўли эканлиги яна таъкидлаб ўтилди.

Ўртоқ А. А. Громиконинг Германия Демократик Республикаси ташкил этилганлигининг 35 йиллиги байрамида Совет партия-ҳукумат делегациясининг иштироки тўғрисидаги ахбороти тингланиб, маъқулланди. КПСС билан ГБСП ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги қардошларча муносабатларнинг ҳамма томонлари узлуксиз ривожланаётганлиги қайд этилди. СССР билан ГДР ўртасида фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2000-йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программаси имзоланганлиги шу муносабатларни мустаҳкамлашга қўшилган янги катта ҳисса бўлди. Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикасининг, барча қардош социалистик давлатларнинг дўстлиги ва жипслиги янада мустаҳкамланиши, уларнинг халқаро майдондаги ҳаракатлари самарали равишда мувофиқлаштирилиши Европада ва бутун дунёда уруш хавфини камайтиришнинг, мамлакатлар ўртасида тинч амалий муносабатларни давом эттиришнинг, империализм, реваншизм ва уруш кучларининг ҳар қандай кирдикорларига кескин зарба беришнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий бюро Волга бўйи, Урал, Сибирь ва Қозоғистон районларида баҳорги бугдой етиштиришни интенсивлаш ҳисобига унинг юқори сифатли донини етиштиришни кўпайтиришга оид таклифларни муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида баҳорги бугдой ҳосилдорлигини анча ошириш ва доннинг, айниқса, бақувват, қаттиқ ва қимматбаҳо дон навларининг ялпи ҳосилини кўпайтириш имконини берадиган тадбирлар комплекси кўзда тутилди, бу эса СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу мақсадда бугдой етиштиришнинг интенсив технологияларини актив жорий қилиш мўлжалланмоқда, бу технологиялар деҳқончиликнинг зона системаларига қатъий мувофиқ равишда қўлланилади.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачев бошчилигидаги КПСС делегациясининг Буюк Британия Коммунистик партияси Бош секретари Г. Макленнан бошчилигидаги ББКП ижроия Комитети делегацияси билан учрашуви якунларини кўриб чиқди.

Ўртоқ Н. А. Тихоновнинг Австрия Республикаси вице-канцлери Н. Штегер билан Совет-Австрия савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада такомиллаштириш хусусида ўтказган суҳбати тўғрисидаги ахбороти тингланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида давлат ва хўжалик қурилишининг, қардош социалистик мамлакатлар билан дўстликни мустаҳкамлашнинг, партиямиз билан давлатимиз тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини ўтказишнинг баъзи бошқа масалалари муҳокама қилиниб, улар юзасидан қарорлар қабул этилди.

3. 000. 000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁР!

БИЗ ҲАММАМИЗ-ПАХТАКОРМИЗ



ЯШАСИН КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР ЕРДАМЧИСИ ВА ИШОНЧЛИ РЕЗЕРВИ, КОММУНИЗМ ЁШ БИНОҚОРЛАРИНИНГ ИЛҒОР ОТРЯДИ — ЛЕНИН КОМСОМОЛИ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

Тошкент оқшоми, Вечерний Ташкент газеталари, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 11.



Биз кўп нарсага қодирмиз

Бу сафар йўлимиз Жиззах областидаги Мирзачўл районига қарашли Абай номли совхоз далаларига тушди. Бу ерда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти студентлари пахта теришмоқда. Уч мингга яқин бўлажак инженерлар пахта даласида жавлон уришяпти. «Биз кўп нарсага қодирмиз» — студентлар ана шундай жанговар шиор билан йиғим-теримда актив қатнашишмоқда.

Ҳақиқатан ҳам студентлар кўп нарсага қодир. Улар бугун ўз ишлари билан кўрсатишмоқда.

Мақсад аниқ бўлгач, иш ҳам юришиб кетар экан. Фақат бунинг учун истак ва ҳаракат бўлса етарли.

Ҳозирги вақтда «Йигирувчи», «Химик» отрядлари мусобақада олдинги сафда боришяпти. Йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ кўп пахта тераётган студентлар ҳам аниқланмоқда. Тўртинчи курс студенти Гулзора Пирова ўз ўртоқлари ўртасидаги мусобақада байрокдорлик қилаётир. Ҳар куни у 300 килограммга етказиб «оқ олтин» термоқда. Ўтган йили меҳнатда эришган ютуқларни учун у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди. Шунингдек, С. Қўзнева, Я. Велиева, Ш. Алланазарова, М. Қосимова сингари студентлар ҳам ўз тенгдошларидан орқада қолмай, кунига 200 килограммдан пахта теришмоқда.

— Студентларимиз яхши меҳнат қилиш билан бирга мириқиб ҳордиқ чиқаришни ҳам билишади,— дейди комсомол ишлари бўйича штаб бошлиғи А. Абдуғаффоров. — Факультетларда агитбригадалар тузилган. Улар кечқурунлари дала шийпонларида концерт қўйиб беришади. Ҳар ҳафтада янги бадиий фильм намойиш қилиб турилади. 29 октябрь — комсомол туғилган куни биз байрам кечаси ташкил этиб, меҳнат ветеранларини билан учрашувлар ўтказамиз.

* * *

СУРАТЛАРДА: илғор теримчи Г. Пирова; дам олиш пайтида; институт комсомол комитетининг секретари А. Абдуғаффоров студент-пахтакорлар ўртасида.









«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бўён.

Фарғона	2,01	70,02
Тошкент	1,46	64,90
Андижон	1,90	62,74
Наманган	2,33	60,41
Сурхондарё	2,10	55,79
Хоразм	2,51	49,66
Бухоро	1,16	44,63
Самарқанд	1,45	43,04
Сирдарё	2,13	37,83
Навоий	1,29	37,06
ҚҚАССР	2,52	36,03
Жиззах	1,83	33,47
Қашқадарё	0,68	28,38
Республика бўйича	1,78	49,02

тонгги газеталарда

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети шонли воқеа — Молдавия Совет Социалистик Республикаси ва Молдавия Коммунистик партиясининг олтмиш йиллиги муносабати билан Молдавия ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини ва уларнинг жанговар авангарди — коммунистларни қизғин муборакбод этадилар.

● 11 октябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Унда республиканн иқтисодий ва социал ривожлантириш планн ва бюджетининг 1984 йил 9 ойн мобайнида бажарилиш якунларн, шунингдек Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги давлат планн ва республика давлат бюджети лойиҳаларн муҳокама қилиндн. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиндн.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУГУН Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг VII пленуми бўлади. «КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ҳамда ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш юзасидан шаҳар партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги масала, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети VI (1982 йил) пленумининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партияга қабул қилиш ва ёш коммунистларни тарбиялаш ишини янада такомиллаштириш юзасидан шаҳар партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги қарори бажарилишининг бориши ҳақида»ги ахборот пленум кун тартибига қўйилган.

(Пленум иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг келгуси сонида ёритилади).

БМТнинг халқаро семинари



Совет Иттифоқи ҳукумати билан БМТ секретариати ўртасидаги келишувга асосан 1 октябрдан 9 октябргача Москвада, 10 октябрдан 12 октябргача Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Онла структурасининг ўзгариши ва социал таъминот соҳасидаги сиёсат» мавзуидаги халқаро семинари иш олиб борди. Унда 35 мамлакатдан 60 вакил — турли хил жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Улар ТошДУ ректори академик С. Ҳ. Сирожиддинов билан учрашдилар, аҳоли жойлашиши проблема лабораторияси билан танишдилар, Ўзбекистон ССР социал таъминот министри Х. Ё. Ёқубжонова томонидан қабул қилиндилар.

Семинар директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти социал тараққиёт ва гуманитар масалалар бўйича марказининг секция мудири Мукунда Рао (АҚШ) семинар қатнашчилари номидан унинг юксак савияда ўтганлигини таъкидлади. У меҳмондўстлик, самарали ишлаш учун имконият яратганлик учун мизбонларга ташаккур билдирди. Барча семинар қатнашчилари, — деди Мукунда Рао,— оилани мустаҳкамлаш проблемасини фақатгина тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш, самарали тенг ҳуқуқли ҳамкорлик шароитидагина ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида ҳамфикрдирлар.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон касаба союзлари республика Советида қабул қилиндилар, пойтахт областидаги Охунбоев номли колхозда бўлдилар.

* * *

СУРАТДА: семинар қатнашчилари. М. Нуриддинов фотоси.

Жаҳон шахмат тожи учун

МОСКВА. Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун совет гроссмейстерлари А. Карпов — Г. Каспаров матчининг ўн биринчи партияси 41-юришда кечиктирилганн, жаҳон чемпионининг ана шу партияда бир пиёдаси ортиқлиги ҳақида хабар қилгән эдик. Кечиктирилган партияни синчиклаб таҳлил қилган рақиблар ўйинни тикламай дурангга розн бўлишдн. Шундай қилиб матчда А. Карпов 4:0 ҳисобида ҳамон пешқадамлик қилаяптн. Етти партия дуранг натижа билан тугади.

* * *

ВОЛГОГРАД. Бу ерда шаҳар пионер ва ўқувчилари саройида ўтаётган М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг ўнинчи партияси ниҳоясига етказилганда жаҳон чемпиони ғалаба қозонган ва матчда 5,5:4,5 ҳисобида олдинги чиқиб олган эдн. Чемпионликка даъвогар И. Левитина танаффус олганлиги сабабли ана шу матчнинг ўн биринчи партияси 13 октябрда ўйналади. Оқ доналар билан чемпионликка даъвогар ўйнайдн.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

«МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАТЛАРИ, ТАКЛИФЛАРИ ВА ШИКОЯТЛАРИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШНИ, ХАТЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ИШДА ФОЙДАЛАНИШНИ ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ОРГАНЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР ВА ИДОРАЛАР, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАР ИШИНИНГ ПРАКТИКАСИГА КЕНГ ҚЎЛАМДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН».

(«КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

• МЕҲНАТДА ШУҲРАТ ТОПГАНЛАР • ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР—ҲАР БИР ХОНАДОНГА! • ҚИШ—СИНОВ ДАВРИ • ЙЎЛОВЧИ НЕГА РАНЖИДИ?

КИМЛАРНИ МЕҲНАТ ВЕТЕРАНИ ДЕЙМИЗ?

Ҳозирги пайтда меҳнат ветерани деган ибора кўп ишлатилади. Ана шу номга сазовор бўлиш учун неча йил ишлаш керак? «Меҳнат ветерани» медали кимларга берилади?

С. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

М. ХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғи ўринбосари.

— Меҳнат ветерани деганда кўп йиллар давомида ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-фойдали фаолиятнинг бошқа соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб келган ишчи, хизматчи, колхозчи ва бошқа касб эгаси тушунилади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар узоқ йил ва бенуқсон ишлаган ходимларини рағбатлантиришнинг турли-туман формаларидан фойдаланишади. Чунончи, кўпгина корхоналар 25, 30, 35, 40 йил давомида узлуксиз ва самарали меҳнат қилганларнинг юбилейини нишонлайдилар. Уларга кўкракка тақиладиган нишонлар топширишади, уларнинг меҳнатини шарафлашади. Демак, меҳнат ветерани деганда самарали меҳнати билан коллектив олдида обрў-эътиборга сазовор бўлган, узоқ йил ишлаган, ёшларга ибрат кўрсатаётган кишилар тушунилади.

Халқ хўжалигида, фан, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳаларида, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларида узоқ йил ҳалол меҳнат қилган кишиларни мукофотлаш учун «Меҳнат ветерани» медали таъсис этилган. Бундай медаль билан ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар пенсия ёшига етган ва муносиб дам олишга кетаётган пайтда меҳнатдаги хизматларни эътироф этиш белгиси сифатида мукофотланадилар. Мукофотлаш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти, меҳнат коллективининг партия, касаба союз ташкилоти тавсия этади. Мукофотга номзодлар маъмурият билан жамоат ташкилотининг биргаликдаги мажлисида муҳокама қилинади. Мукофотлаш ҳақидаги тавсиянома билан бир вақтда ходимга ёши бўйича пенсия тайинлаш тўғрисида тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

Ҳали ишлаб турган пенсионерларга нисбатан мукофотлаш тўғрисидаги тавсиянома уларнинг муносиб дам олишга чиқмасидан олдин ҳам берилиши мумкин. Тавсиянома корхона, муассаса, ташкилот раҳбари, партия ташкилотининг секретари, касаба союз комитетининг раиси томонидан имзоланади ва халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетига юборилади. Медаль ва белгиланган формадаги гувоҳнома мукофотланганларга қоидага биноан улар ишлайдиган меҳнат коллективларида тантанали суратда топширилади.

• Факт ва шарҳ

ОБУНАЧИЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

ШАҲРИМИЗДА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Давлатимиз Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига жуда кўп имтиёзлар, қулайликлар яратган. Ҳар йили газета ва журналларга обуна бошланган даврда «Тошкент оқшоми»га обуна бўлишга жуда қийналаман. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси сифатида ана шу газетага обуна бўлишга рухсат беришларингизни сўрайман.

Ж. БОЛТАБОЕВ,
Фарғона область, Боғдод район, Коммуна кўчаси, 35-уй.

●

Областимизда «Тошкент оқшоми» газетасининг биронта сони қўлимизга тушиб қолгудай бўлса қўлдан-қўлга ўтиб ўқилади. Биз ҳам республикамиз пойтахти аҳолисига ўхшаб ана шу газетага обуна бўлишни истаймиз. Нега энди мамлакатимиздаги барча газета ва журналларга обуна бўлиш мумкину «Тошкент оқшоми» газетаси мухлисларининг илтимосини қондириб, унга обуна қилиш мумкин эмас?

А. ЖАББОРОВ,
Наманган шаҳар, Тельман кўчаси, 184-«а» уй.

●

«Тошкент оқшоми» газетасини оиламиз билан ўқиймиз. Унинг саҳифаларида берилаётган материаллар ҳаётийлиги, сермазмунлиги билан диққатни тортади. Афсуски, қанча уринмайлик бу газетага обуна бўлолмай сарсонмиз...

Б. ОТАЖОНОВ,
Хоразм область, Хива шаҳри, Қрим кўчаси, 50-уй.

Газетхонлар хатини республика «Союзпечать» агентлиги бошқармаси бошлиғи Э. Ҳ. ҲАМИДОВ шарҳлайди:

— Бугунги кунда ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур қила олмаймиз. Партия XXVI съездидан кейин матбуотимизнинг коммунистик бунёдкорлик актуал вазифаларига эътибори кучайгани КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида ҳам таъкидлаб ўтилди.

СССР Алоқа министрлигининг ўтган йил 28 июлдаги қарорига мувофиқ газеталарга обуна аҳоли эҳтиёжига яраша қабул қилинмоқда. Улар эҳтиёжини қондириш мақсадида «Работница», «Здоровье», «Крокодил», «Роман-газета» ва «Весёлие картинки», «Мурзилка» болалар журнали нашрларига обуна анча кўпайтирилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари масаласига келсак, биз обуначиларнинг жуда кўплаб илтимосларини ҳисобга оляпмиз. Лекин очиғини айтганда областлардаги «Тошкент оқшоми» ихлосмандларининг ҳамма эҳтиёжларини ҳозирча қондира олмаяпмиз. Иттифоқимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари ўзларининг она тилидаги газета ёки журналларга обуна бўлишмоқда. Лекин область, шаҳар ва район газеталари бундан мустаснодир. «Тошкент оқшоми» газетаси ҳам шаҳар газетаси ҳисобланади. Келгусида оқшомхон обуначилар сафини кенгайтириш тадбирларини кўряпмиз.



Бадиий цех ишчиси Маҳфуза Раҳматуллаева «Учқун» … галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида ўзининг меҳнатсе… сидқидилдан ёндошиши билан муносиб ҳурмат-эътиборга са… моқда. Унинг қўлидан чиқаётган маҳсулотлар ўзининг аъло … билан ажралиб туради. У Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон К… нинг шонли 60 йиллик юбилейига муносиб армуғон тайёр… сифати ва унумини кун сайин ошириб бормоқда.

В. Сироткин

УЙИМИЗ ИСИЙДИ…

Биз 49-турар-жойлардан фойдаланиш участкасига … уйида истиқомат қиламиз. Уйимиз Марказ—27 квартали… мий архитектура кўринишига мос тушган. Теварак-атроф … сайин ободонлашиб бормоқда. Аммо бизни бир нарса … нингдек ҳозирги кунларда ҳам анча ташвишга солиб … Ўтган йили қишки мавсумда квартираларимиз жуда ёмон … Тегишли ташкилотларга қатнайвериб чарчадик: 49-ЖЭУ … нинг айтишича, бу йил ҳаммаси яхши бўлармиш. Очиғи… да, бунақанги ваъдалардан кўнглимиз тўқ эмас. Бу йил … даги аҳвол такрорланмасайди, деб юрагимизни ҳовучлаб …

С. УМАРОВА, С. ДАДАБОЕВА, М. МУХСИНОВА …

А. МАННОПОВ,
Октябрь районидаги 49-турар жойлардан фойда… участкаси бошлиғи.

— Дарҳақиқат, 14-уй истиқоматчиларининг ташвишланганича бор. Ўтган йил участкамизга қарашли кўп уйларда аҳвол ҳақиқатан ҳам оғир бўлди. Сантехника қисмлари фойдаланишга яроқсиз даражада бўлиб қолди. Бу камчиликлар, етишмовчиликларнинг барчасидан бизнинг хабаримиз бор эди. Лекин иложини қилолмадик.

Фикримга аниқлик киритмоқчиман. Иситиш борасидаги барча нуқсонларга район-даги 3-қозонхонанинг табиий газ билан етарлича таъминланмагани сабаб бўлди. Натижада иситиш талаб даражасида бўлмай, иссиқ сув билан барча уйларни бир йўла таъминлашнинг имкони бўлмади.

Айни пайтда Назарбек посёлкасидан қо… зонхонага … провод … моқда. Бу … Қозоғистон … касидан … балардан … моқда. … истиқомат… кўнгли тўқ … бўлаверади… иситиш … да яхши … ишонамиз… қўлимиздан … барча … япмиз.

РЕДАКЦИЯДАН: Халқ орасида «Қиш қишлигин қилар» деган сўз жуда қадим замонлардан бери мавжуд. Қадим замонларни тушуниш мумкин. Ўтин топилавермаган, кўмир қазиб чиқарилмаган, ҳозиргидай «зангори олов» деган нарсалар умуман ишлатилмаган. Замонамизнинг тўкинсочинлигига асрлар бўйи шукрона айтса арзийди. Бироқ баъзи камчиликлар... ЖЭУ бошлиғи А. Манноповнинг сўзларини тушуниш мумкин. Аммо нуқсон уйларнинг исимаслиги… ёғидангина иборат эмас… каз—27» кварталида … томи жиддий таъмир… Ҳолбуки, ҳозиргача … гина уйнинг томи … Шу сабабли бўлса … тиқоматчилари юраклари… лаб туришибди. Шунинг… ция ЖЭУ раҳбарлари… Октябрь район ижроия… раҳбарларидан «Марказ-… талидаги аҳвол хусусида… амалий жавоблар кутади.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда…

МУКОФОТДАН МАҲРУМ ЭТИ…

Охунбобоев майдонидан бўш таксига ўтириб Бешқайрағоч… ви томонга бормоқчи бўлдик. Йўлдан машинага яна икки … қишди. Белгиланган манзилимизга етгунча ҳалиги икки … бир сўмдан бериб тушиб қолишди. Биз тушаётганда уч сўм … эдик, ҳайдовчи бир сўм узатиб ҳай, ҳайимизга қарамасда… қолди. Ваҳоланки счётчик 1 сўм 80 тийин кўрсатган эди.

А. АБДУСАМАТОВА…

Ғ. ИСМОИЛОВ,
«Главташпассавтотранс» бошқармаси… қарашли 1-автокомбинат директори.

— Газетхоннинг шикояти жуда ўринли. Ҳақиқатан ҳам ҳайдовчи М. Нурмуҳамедов 45—84 ТНА машинасида йўловчиларни манзилига олиб бориб қўйиб, улардан ортиқча ҳақ олган. Ҳайдовчи М. Нурмуҳамедовнинг бу қилмиши жамоатчилик комиссияси йиғилишида кўриб … 127-буйруқ … унга виговор … ҳамда … мукофотдан … этилди.

ИМТИЁЗ БИЗГА ТААЛЛУҚЛИМИ?

Биз қарилик пенсияси оламиз. Қимматбаҳо металлдан тиш қўйдириш мақсадида поликлиникага мурожаат этсак, умумий тартибда навбатда туришимиз кераклигини айтишди. Пенсионерларга қимматбаҳо металл тиш бепул ва навбатсиз қўйилмайдими! Шунингдек, бизга поездда, самолётда юришда имтиёз бериладими! Дам олиш уйларига йўлланмалар олишда, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда кимларга имтиёз берилади!

Н. ЎРИНБОЕВ,
У. ЎРИНБОЕВА,
пенсионерлар.

Т. РИХСИХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети социал таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

— Аввало, биринчи саволга жавоб бериб ўтаман. Қимматбаҳо металдан тиш қўйиш фақат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан навбат билан ва амалдаги давлат нархларига мувофиқ амалга оширилади.

СССР темир йўллари ва ҳаво йўлларида Улуғ Ватан уруши инвалидларига, қатнашчиларига 50 процент арзон билет билан бориб келиш ҳуқуқи берилади. Шунингдек, ишламайдиган меҳнат инвалидлари 1 октябрдан 15 майгача бўлган даврда темир йўл транспортида юрганда шундай имтиёздан фойдаланадилар.

Социал таъминот органлари томонидан ишламайдиган пенсионерларга икки йилда бир марта шифохона-курорт даволанишига ва дам олиш уйларига йўлланма берилади. Бунинг учун пенсионер турар жой бўйича район социал таъминот бўлимига мурожаат этмоғи лозим.

Электр энергияси, газ, коммунал хизматлар учун 50 процент ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига берилган.

«ОҚШОМ»НИНГ ҲУҚУҚ ХИЗМАТИ

Иш қобилияти йўқолса...

СССР Конституцияси гражданларни қариган чоқда, касал бўлиб қолганларида, шунингдек меҳнат қобилиятини тўла равишда ёки қисман йўқотганларида ва боқувчисиз қолганларида моддий таъминот олиш ҳуқуқи билан кафолатлайди. Редакциямизга келаётган кўпгина хатларда оқшомхонлар айрим қоидаларга аниқлик киритишни сўрашган.

Бугун ана шу мазмундаги саволларга Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг жамоатчи-инспектори Абдужалил Ҳасанов жавоб беради:

Менинг бир дўстим ичкилик ичиб, касалликка учраб қолди. 24 кун касалхонада ётиб чиқди. Лекин врачлар унга касаллик варақаси очишмабди. Шу тўғрими?

Ф. ИСМОИЛОВ,
Киров району.

— СССР Министрлар Советининг 1972 йил 16 май 361-сонли «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтиришнинг чора ва тадбирлари» тўғрисидаги қарорида таъкидланишича, ишчи ёки хизматчи ичкиликбозлик оқибатида ёки мастлик туфайли меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотиб, амбулатория ёки стационар шароитида даволанса, у ҳолда касаллик варақаси берилмайди. Шунингдек, вақтинча ишга лаёқатсизлиги учун нафақа тўланмайди.

Бундай ҳолда касаллик варақаси ўрнига справка берилади. Агар справкага биноан ишдан озод қилинган даврда бошқа бир оғирроқ касаллик рўй берса, у ҳолда 11 кундан кам бўлмаган муддат ўтганидан кейин касаллик варақаси очилиши ва меҳнатга лаёқатсизлиги учун нафақа тўланиши мумкин.

Мен ойига 120 сўм миқдорида қарилик пенсияси оламан. Агар қариялар учун уй-интернатда яшасам, бу пенсияга таъсир қилмайдими?

К. ОБИДОВ,
Собир Раҳимов району.

— СССР Министрлар Советининг 1972 йил 3 август қарори билан тасдиқланган Низомнинг 175-бандига асосан қария ва инвалидлар учун мўлжалланган уйларда яшаётган пенсионерларга тайинланган пенсия пулини 10 проценти миқдорда, аммо 5 сўмдан кам бўлмаслиги шарти билан берилади.

Агар пенсионернинг қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлса, у ҳолда бир оила аъзоси учун пенсиянинг тўртдан бир қисми, икки киши бўлса учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бўлса пенсия пулининг ярми тўланади. Бордию уй-интернатларда истиқомат қилаётган пенсионерлар устахона, ёрдамчи хўжаликларда ишлаётган бўлсалар, уларнинг иш ҳақи пенсия тўлашда ҳисобга олинмайди.

Мен 15 йилдан буён ёғочсозлик комбинатида ишлаб келардим. Ўтган йили ишдан бўшадим. Ҳозир заводда ишлаяпман. Икки ой ўтгач менга ўз касбимга мувофиқ бошқа корхонада иш таклиф қилишди. Бетоб бўлиб, касаллик варақасини топширсам, менга 50 процент иш ҳақидан тўлашди. Бухгалтерия ҳақми?

Х. БАҲОДИРОВ,
Собир Раҳимов району.

— Тўғри қилишган. Сабаби, давлат социал страхованиеси бўйича ишчи ва хизматчиларга нафақа тайинлаш ҳамда давлат пенсиясига қўшимча ҳақ тўлашда ишчининг охирги иш жойидаги узлуксиз иш стажининг давомийлиги ҳисобга олинади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1979 йил 13 декабрдаги «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш» тўғрисидаги қарорида кўрсатилганидек, календарь йили давомида ишдан такроран ўз ихтиёри билан сабабсиз бўшаганда ходимнинг узлуксиз иш стажи сақланмайди.

Сиз ҳам ишдан такроран бўшаганлигингиз сабабли узлуксиз иш стажингиз сақланмай ва Сизга иш ҳақининг ярмини тўлаб тўғри қилишган.

Ёпилишига 15 минут бор эди...

ЁКИ «ҒУНЧА» ХАРИДОРЛАРНИ ҚАНДАЙ БЕЗДИРАЁТГАНИ ҲАҚИДА

«Болалар дунёси» — «Ғунча» магазинни ёпилишига 15 минут бор эди. Лекин ичкарига киритишмади. Биз харидорлар — икки ҳарбий хизматчи, икки студент ва мен, 50 ёшли аёл эшикни очишларини, ҳали харид қилиш учун вақт борлигини айтдик. Лекин магазин ходими ёшгина йигитча қўполлик билан рад этди. Биз мудирни чақиришни сўраган эдик у сурбетларча «йўқ» деди.

Эшик ёнига яна икки ходим келди. Лекин улар ҳам сурбет йигитга танбеҳ бериш ўрнига бир овоздан магазин 15 минут олдин ёпилажагини айтишди. Ахир одамлар магазин ёпилгунча 10—15 минут ичида харид қилиб олишга ишдан кейин шошилиб келишади. Биз магазинда савдо режими бузилгани ҳақида акт ёза бошладик. Магазиннинг уч ходими эса эшик орқасида турганча устимиздан кулишди. Наҳотки бу магазин белгиланган вақтдан олдин ёпиладиган шаҳардаги ягона магазин бўлса?

Р. ДУБОВА.

З. ШОКИРОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

— «Болалар дунёси» фирмасининг 3-«Ғунча» магазинида иш режими бузилгани ва магазин ходими А. Воҳидов харидорларга қўпол муомалада бўлгани факти тасдиқланди.

Р. Дубованинг аризаси магазин коллективи ўртасида муҳокама этилди. «Болалар дунёси» фирмаси бўйича шу йилнинг 30 августида чиқарилган 101-буйруқ билан «Ғунча» сотувчиси А. Воҳидовга магазин ўз вақтида ёпилмагани ва харидорларга нисбатан қўполлик қилгани учун қаттиқ виговор эълон қилинди.

3-«Ғунча» магазини иши устидан «Болалар дунёси» фирмаси раҳбарлигининг қаттиқ назорати ўрнатилди.

Луқма

«ОПА, СОАТИНГИЗ «ГУМ» БЎЛДИ»

Марказий универмаг олдидаги темир панжарани биласизми? Билсангиз энди унга яқинлаша кўрманг. Яқинлашсангиз ҳам асло суянманг. Чунки уни ҳозир бўяб қўйишган.

Ўша универмаг ичида жойлашган соатсозлик устахонасини-чи? Уни ҳам биласизми? Унда шўрингизга шўрва. У ерга ҳам энди яқинлаша кўрманг. Бўлмаса...

— Яқинда ЦУМ ичида жойлашган электроника соатларини созлайдиган устахонага аёллар қўл соатини топширдим, —деб ёзади оқшомхон Э. Мирзахўжаев. —Уста менга 393515 номерли квитанция бериб, 12 кун ўтгач соатимни олиб кетишни тайинлади. Тўғриси шу устахонага қатнайвериб оёқда оёқ қолмади. Чунки уста соатни йўқотиб қўйган. Ҳар борганимда «қунт билан» излаган бўлади.

Соат ўзимники бўлса ҳам майли эди. У опамники эди. Ҳозир ҳаммага кулги бўлиб юрибман. Одамлар: «Элдор опасининг соатини ЦУМга олиб борган экан «гум» бўлиб кетибди», дейишяпти...

Элдор ҳам ўзимизга ўхшаган содда йигит кўринади. Устанинг олдига шунча қатнаб, ҳатто унинг исмини ҳам сўрамабди дерсиз. Йўқ, у сўраган, бироқ уста «зўракан» —исмини айтмабди.

Энди «ҳурматли» устага яхши бир от топиш керак, ўртоқлар. Қани бир ўйлаб кўринг-чи, унинг оти нима экан?!

Мақсад ЯХШИЕВ.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Ўзбекистон пойтахтининг маркази тобора чирой очиб бормоқда. Шаҳар марказини ажойиб архитектура кўринишига эга бўлган маданий-маъмурий бинолар безаб турибди. Биноларнинг меъморчилик кўриниши пойтахт меҳмонларида … рот қолдирмоқда.

СУРАТДА: Ленин проспектининг ҳозирги кўриниши.

ИНСОН — ТАБИАТ ФАРЗАНДИ

СОФ ҲАВО — ТАНГА ДАВО

Ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, одам минг йил яшарди.

Абу Али ибн Сино.

Балиққа сув нечоғли керак бўлса, одамга, кўкату-майсаларга, паррандаю-дарандаларга, ҳашароту ҳайвонларга ҳам ҳаво шундай зарур. Тирик мавжудот ҳаво таркибидаги кислород билан ҳаёт кечиради.

Ҳавонинг доимий ва асосий таркиби 78,09 процент азот, 20,95 процент кислород, 0,93 процент аргон ва 0,03 процент карбонат ангидриддан иборат. Шаҳар ва саноат марказларининг ҳавоси таркибида организм учун зарарли бир қатор ёт нарсалар: аммиак, водород пероксид, хлор, сероводород, олтингугурт ангидриди, чанг, тутун ва ҳаттоки турли туман микроблар бўлади. Айниқса, автомобиль ҳавога чиқарадиган бензипирен гази ҳаёт учун зарарлидир. Битта автомобиль 1000 километр юриш асносида бир кишининг бир йиллик кислород нормасини «ютади». Чунончи, АҚШ аҳолисига 104 миллион автомобиль тўғри келади. Бинобарин, бу мамлакатда атмосфера ифлосланишининг 60 проценти транспортнинг шу турига мансубдир.

Шовқин-сурон ҳам табиатнинг «ашаддий» кушандасидир. Унга ҳатто филлар ҳам тоқат қилолмайди. Таиландан Англия ҳайвонот боғига келтирилган филлар яқин орадаги аэродромда учирилаётган ва қўнаётган самолётларнинг шовқинидан саросимага тушибдилар. Улар ўзларини ҳар томонга ура бошлашибди. Филларни бу азобдан қутқариш учун уларнинг қулоғига товуш ўтказмайдиган ҳалқачалар тақиб қўйишга тўғри келибди.

Аэропорт ва темирбетон заводлари шовқин-сурон манбаидир. Буларни шаҳардан четлаштириш керак бўлади.

Тошкентда ҳаво таркиби назорат остида туради. Буни 1966 йилдан бери Ўрта Осиё регионал илмий-текшириш гидрометеорология институти бошқаради. Илмий кузатишларнинг кўрсатишича, Тошкентда ҳавонинг бузилиши кўпинча кундузи содир бўлади. Демак, заводларнинг ишлаши ва транспортнинг ҳаракати ҳавода аэрозолни кўпайтириб юборади. Аэрозол — бу туман ва булутли томчилар, тупроқ, тоғ жинслари ва тутун заррачаларидир.

Ҳар бир квадрат сантиметр сатҳга 1033 грамм босим кучи таъсир этиб туради. Агар сизнинг бўйингиз, масалан, 1,5 метрга тенг бўлса, демак, 15 тоннадан ортиқроқ куч сизга таъсир этган бўлади. Аммо сиз бу кучни сезмайсиз. Чунки сизнинг ички босимингиз ҳам ташқи ҳаво босими билан баб-баравардир.

Баланд тоғларга кўтарилганда ҳаво сийраклашиб, атмосфера босими пасаяди. Шунда киши маълум қийинчиликларга дуч келади. Сувдан чиққан балиқдек тез-тез нафас олади. Оёқ-қўллар оғирлашгандай туюлади, тез чарчайди. Бунинг устига, уйқу қочади. Шунда организмнинг ички босими ташқарига тепиб, қон томирлар бўртиб чиқади.

Атмосфера босими туфайли ҳаво ҳар ерда ҳозиру-нозир, «Табиат бўшлиқни ёқтирмайди» деб шунга айтилади. Ўпкага ҳавонинг автоматик равишда кириши кўкракдаги босимнинг ҳийла паст бўлишидандир.

Соф ҳаводан баҳраманд киши чиниққан бўлади, шамоллаш каби касалликлар билан оғримайди. Салқин ва соф ҳавода киши ечинган ҳолда юради, сайр этади ёки ётиб тобланади. Ёқимли ҳаво баданни бамисоли «чаяди», «ювади». Шунда терининг сезги нервлари уйғониб, бадан ҳароратини маромига олиб келади. Юрак-томирлар фаолияти ошади, нафас олиш чуқурлашади, руҳий доира тиниқ ва равшан бўлади.

Ёзувчи П. Павленко ўзининг «Бахт» асарида врач тилидан роман қаҳрамонига:

— «Сизнинг дардингиз оддий дорига — ҳавога муҳтож. У қанча кўп бўлса шунча яхши, уйқуда ҳам, бедорликда ҳам. Соф ҳаво сизни у ёғингиздан кириб, бу ёғингиздан чиқсин, ҳар бир ҳужайрангизни ювсин. Очиқ ҳавода овқатланинг, ухланг ҳам. Шундай қилиб, чекланмаган миқдорда ҳаво қабул қилинг»,— деб бекорга айтмаган.

Соғлом кишиларга кўра беморлар ҳавога сезгир бўлишади. Хонада ҳаво оғир, бузилган бўлса, бемор форточка ва деразаларнинг очиқ туришини ҳоҳлайди ёки ташқарига очиқ ҳавога чиқишни истайди. Бу ҳолни шоир Жўра Алимардон қуйидагича ифодалайди:

Сиз ётиб тўшакда,
оҳ онагинам,
Ҳорғин мўлтирайсиз
ташқари томон.
Гоҳ дейсиз:
касаллик қурсин-а,
болам,
Деразанг очиб қўй,
аҳволим ёмон.

Имкониятингиз борича соф ҳавода бўлинг. Балкон, айвон, ҳовли, боғ-роғ, ўрмон, сув бўйларини ғанимат билинг.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати, Н. Пирогов мукофотининг лауреати.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидати.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТ ЭКСПОЗИЦИЯСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ФРАНКФУРТ-МАЙН. ТАСС мухбири С. Сосновский хабар қилади: Бу ерда анъанавий халқаро китоб ярмаркаси ёпилди. Ярмарка Москва китоб ярмаркаси билан бир қаторда жаҳонда китобларнинг энг катта кўриги ҳисобланади. Унда 91 мамлакатдан 6 мингтадан кўп нашриёт ва полиграфия фирмаси қатнашди, юз минглаб китоблар намойиш қилинди.

Виставканинг совет бўлими стендлари олдида томошабинлар ҳамиша гавжум бўлди. СССР Давлат, нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, «Международная книга» Бутуниттифоқ бирлашмаси, Совет Иттифоқидаги барча марказий ва кўпгина республика нашриётлари сиёсий ва бадиий адабиётларни, фан ва техникага оид китобларни, дарсликларни, ранг-баранг альбомлар ва плакатларни кўрсатишди. Сиёсий нашриёт чиқарган марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У Черненконинг асарлари, КПСС ва совет давлатининг тинчлик, қуролсизланиш учун ва ядровий фалокатнинг олдини олиш учун изчил кураши ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ярмарка томошабинларида зўр қизиқиш уйғотди.

Совет экспозициясининг махсус бўлими СССР гитлерчилар Германияси устидан қозонган ғалабанинг 40 йиллигига бағишланди. Бу бўлимда «Художественная литература» нашриёти бошқа социалистик мамлакатлардаги нашриётлар билан ҳамкорликда тайёрлаган «Ғалаба кутубхонаси» деган умумий ном билан чиқарилган китоблар туркуми кўрсатилди.



Лотин Америкасидаги Никарагуа Республикаси меҳнаткашларни эришилган озодликни қўлда сақлаб қолиш учун тинмай кураш олиб боришмоқда. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида янги ҳаёт учун яқдиллик билан ҳаракат қилиняпти. Унумдор ерлар деҳқонларга бўлиб берилиб, мамлакат экономикасини мустаҳкамлаш учун дадил қадам ташланмоқда. Ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш борасида ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилаётир.

СУРАТДА: Матагальпа вилоятида яшайдиган деҳқон аёл.

Г. Надеждин фотоси.

ПОКИСТОННИНГ ДУШМАНЛИК ҲАРАКАТИ

КОБУЛ. (ТАСС). Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Покистоннинг АДРдаги муваққат ишлар вакили Афғонистон ташқи ишлар министрлигига чақирилиб, Покистоннинг Афғонистонга нисбатан яна бир душманлик ҳаракати муносабати билан унга норозилик билдирилган.

АДР ташқи ишлар министрлигининг баёнотига кўра, шу йил 5 октябрда Покистоннинг бир группа вертолётлари Афғонистон Демократик Республикасининг территориясига бостириб кириб, Кунар вилоятидаги Барикот районида ерга қўнаётган бир группа Афғонистон вертолётларига ҳужум қилган. Ўққа тутиш натижасида Афғонистоннинг икки вертолёти жиддий шикастланган.

Покистоннинг АДРдаги муваққат ишлар вакилига Покистон чегара қисмларининг шу вақтшёна ҳужумини Афғонистон қатъий қоралайди, деб айтилди. Ана шу ҳужумнинг далиллари Покистон маъмурларига кўрсатилди. Бундай агрессив ҳаракатлар пайини қирқиш борасида Покистон маъмурларини шошилинч чоралар кўришлари кераклиги ва бундай ҳаракатларнинг такрорланиши учун бутун масъулият тамомила ва тўла-тўкис Исломобод зиммасига тушиши ҳам таъкидланди.

КУРОРТ ЮБИЛЕЙИ

БУРГАС. (ТАСС). Болгариядаги машҳур «Серқуёш соҳили» курорти ўзининг 25 йиллигини нишонлади. Чорак аср мобайнида Қора денгиз соҳилларида қарийб 30 минг ўринли 110 тадан кўп меҳмонхона, бешта кемпинг, қарийб 400 та магазин ва умумий овқатланиш корхонаси, замонавий спорт базаси қурилди. Бу энг катта курорт комплекси Болгария ва чет эл туристлари ўртасида катта шуҳрат қозонган. Ўтган йилнинг ўзидагина бу ерда 760 минг киши дам олди.

МРБнинг қабих иғвогарлиги

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ ЖУРНАЛИ ФОШ ҚИЛАДИ

БОНН. (ТАСС). Бир йилдан кўпроқ вақт илгари Жанубий Корея самолёти билан бўлган ҳодиса тафсилотлари қанчалик муфассал анализ қилинган сари унинг экипажи жўрттага йўлдан «адашиб», СССРнинг осмон бўшлиғига бостириб кирганлиги шунчалик яққол бўлиб қолмоқда. Ғарбий Германиянинг «Шпигель» журнали самолётнинг белгиланган маршрутдан четга чиқишининг эҳтимол сабабларини кўриб чиқиб, шундай хулосага келади.

Жанубий Корея учувчилари СССРнинг осмон чегараларини биринчи марта бузмаганлиги факти ҳам тасодифий эмас, деб ёзади журнал. Пентагон билан Жанубий Корея ўртасида, Америка Марказий Разведка бошқармаси билан Сеул махсус хизмат маҳкамалари ўртасида қалин алоқалар ўрнатилганлигини журнал уқтириб ўтади. Журналнинг маълумотларига кўра, МРБнинг собиқ ходимларидан бири Вашингтонда шундай деган: «Бирон-бир қабиҳ найрангни амалга ошириш учун менга граждан самолёти керак бўлиб қолган тақдирда, мен уни Жанубий Корея компаниясидан бошқа қаердан ҳам топа олардим? Сеул — бизнинг энг содиқ иттифоқимиздир».

Журнал Жанубий Корея самолёти навигация системаларининг ва белгиланган халқаро трассада учиш хавфсизлигини таъминловчи ердаги хизматларнинг техникавий имкониятларини синчиклаб анализ қилади. Ҳар қандай оби ҳаво шароитида ва ҳатто бирон бир системанинг носозлиги ёки йўлнинг хато белгиланганлиги тақдирда ҳам самолёт йўлдан адашишининг олдини олиш учун етарлича имкониятлар мавжуддир, деб таъкидлайди журнал. Шундай қилиб, экипаж машинани қасддан хатарли йўлдан бошқариб борганлигига шубҳа ортмоқда, деб ёзади «Шпигель» журнали.

Журнал Узоқ Шарқ регионидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни таърифлаб, АҚШ у ерда кескинликни кучайтираётганлигини уқтиради. Пентагон бошлиғи К. Уайнбергер ва унинг урушқоқ ҳарбий ҳаво кучлари министри Ж. Леман, деб ёзади «Шпигель», Тинч океан флоти кемаларини қанотли ракеталар билан таъминламоқдалар, Тайванга қурол-яроғ етказиб бермоқдалар, Япониянинг ҳарбий потенциали кучайтирилишини тобора қаттиқроқ талаб қилмоқдалар. Жанубий Корея самолётининг разведка мақсадидаги учиши, деб уқтиради журнал, Америка стратеглари ҳарбий тайёргарликлари занжиридаги ҳалқаларнинг биридир.

• *Фан ва техника: изланишлар, кашфиётлар*

Космосдан ер бағрига

Ўрта Осиёнинг геологик карталарига илк бор Орол денгизининг дастлабки чегаралари, бир вақтлар денгизга қуйилган кўҳна дарёларнинг ўзанлари, эски ва янги ўзилишлар — линеаментлар ва ҳалқа структуралар туширилди. Практиканинг кўрсатишича, шундай тузилишларнинг кўпларида сув, нефть, газ, турли руда конлари бўлиши мумкин. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг олимлари шуларни очишларига... космик суратлар ёрдам берди.


Ернинг тузилиши тўғрисидаги қадимги фаннинг янги йўналиши — космик геология республикада яқиндагина ривожлана бошлади. 1979 йил институтда Ўрта Осиё академик муассасалари системасида биринчи махсус бўлинма тузилди.

Унинг пайдо бўлиши тасодифий эмас. Чунки регионнинг кўп қисмини кейинги ётқизиқлар қоплаган. Қизилқум, Қорақумнинг катта территориялари, атроф зоналар шулар жумласидандир. Ер пўстлоғининг улғайиши нуқтаи-назаридан, шунингдек фойдали қазилмаларни излаш нуқтаи назаридан ҳам шу ётқизиқлар кўпроқ эътиборга сазовордир. Лекин яқин-яқинларгача шу районларда тадқиқотчилар учун текширилмаган жойлар бўлиб қолаверганди. Катта баландликдан қаралганда чўқур тузилишлар баайни қалин жинслараро қнёфасини намоён этгандек бўлади. Масалан, «Узбекгидрогеология» бирлашмасининг мутахассислари космик суратлар ёрдами билан мана шу территорияларда истиқболли сув запасларини топишга муваффақ бўлдилар. Янги, ҳали киши яшамаётган районларни ўзлаштириш, бу жойларда яйловлар барпо этиш, ҳар хил экинлар ўстириш имконияти пайдо бўлади.

— Олинган маълумотларни таҳлил этиб, кўпчилик геологик тузилишлар — линеаментлар, ҳалқавий тузилишлар кўпдан бери айтиб келинаётган плиталарнинг ҳаракати натижасида эмас, балки ер пўстлоғининг вертикал тебранишлари натижасида вужудга келган, деган жуда муҳим хулоса чиқаришимизга ёрдам берди, — дейди институт директори, Ленин мукофотининг лауреати, республика Фанлар академиясининг академиги И. Ҳ. Ҳамробоев, — Бинобарин, региондаги ялпи геологик жараёнларни билишда янги бир саҳифа очилади. Шу билан бирга космик геологиянинг тараққиёти институт кўпгина бўлинмаларининг ишига янгича назар билан қарашга мажбур этди. Фаннинг турдош йўналишлари — геофизикани, атмосфера физикасини янада чуқурроқ ўрганишга тўғри келди. Геологларнинг ишида, геофизикларнинг тадқиқотларида, Ўрта Осиё турли районлари рельефини ўрганишда космик маълумотлар мажбурий материал бўлиб қолди. Янги маълумот излов партияларининг баъзи анъанавий маршрутларини ҳам ўзгартириб юборди. Космик суратлар кейинги йилларнинг ўзидагина Қизилқумнинг марказий райони, Чотқол қурама тоғи, Бўкантов каби жойларга ишорат этди.

Институт шу янги соҳа ёш олимларини тайёрлаш маркази ҳам бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси келгусида картографик ишларни олиб бориш, регионда рўй берувчи тектоник жараёнларни анализ қилишдан ташқари комолитологик, космохимик тадқиқотлар ҳам ўтказишга имкон беради.

С. ФИОЛЕТОВ,
ЎзТАГ мухбири.



С. Смольский фотоси. ТАСС фотохроникаси.

«ИНТЕНСИФИКАЦИЯ-90» ҲАРАКАТДА

ЛЕНИНГРАД. Восток номли Сестрорецк асбобсозлик заводи коллективи «Интенсификация—90» программасига асосан халқ хўжалигида илмий-техникавий ютуқларни кенг жорий этиш бўйича бир қатор ибратли ишларни олиб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳозирги талабларга жавоб бериши учун самарали ишлар амалга оширияпти. Заводда чидамли асбоблар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Асбобсозлар ишлаб чиқаришга автоматика ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш бўйича изланишлар олиб боришаётир. Корхонада ишлаб чиқаришни автоматик системаси кенг жорий этилган. Бу ерда конструкторлик ва технологик ишларнинг аксарияти автоматик лойиҳалаш ёрдамида амалга оширилади. Бу ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини қисқартириш билан бирга маҳсулотларнинг сифатли бўлишини таъминлайди.

СУРАТДА: корхонанинг инженер-программачилари А. Малютенко (олдинги планда) ва В. Бродский автоматик лойиҳалаш системаси бўйича иш олиб боришмоқда.

С. Смольский фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЭНГ ЖАНУБИЙ ТАМОЖНЯДА

Ватанимизнинг энг жанубидаги шаҳар, Афғонистон Демократик Республикасининг яқин қўшниси — Кушка ёнидаги таможняда одатдаги кун бир хайрли иш билан бошланди. Туркманистон пионерлари ва комсомолларининг янги ҳаёт қураётган Афғонистон болаларига совға-саломлари дўст мамлакатга бемалол ўтказиб юборилган биринчи юк бўлди. 758 километрли Кушка — Хирот Қандаҳор магистрали бўйлаб йўлга чиққан автопоезд АДР болаларига янги ўқув йили учун қалам, дафтар, альбомлар элтиб берди.

Таможня чегарадош давлатларнинг муносабатлари тўғрисида маълум даражада тасаввур ҳосил қилдириши маълум. Чунки ўзаро манфаатли катта савдо-сотиқ бунинг муҳим заминларидан биридир.

— Бундан аввал Кушка таможняси ҳеч қачон бунчалик гавжум бўлмаганди: Савр инқилобидан сўнг СССР билан АДР ўртасидаги юк оборотн қарийб уч баравар кўпайди ва ҳамон кўпайиб бормоқда, — дейди таможня бошлиғи II ранг таможня хизмати маслаҳатчиси А. Колеватих.

Анатолий Иванович бу ерда ўттиз йилдан бери бошлиқ бўлиб турибди. Шунгача тоғ ўқчи полкида урушни тугатгач уйига ярадор бўлиб қайтиб инспектор бўлиб ишлаганди. Ҳозирги автомагистрал ўрнида беповн чўлдан туя карвонлари юрган вақтларда иш бошлаганди. У шундай қилиб Анатолий Ивановичнинг кўз ўнгида Совет Иттифоқининг энг жанубидаги таможня катта савдосотиқ гузарига айланди. Подъезд йўллари бўлган катта юк ортиш-тушириш базаси барпо этилди, кўпгина зарур иморатлар қурилди ва собиқ карвон йўли бўйлаб Афғонистон территориясига темир йўл тармоғи ўтди. Натижада юк ортиш-тушириш ва уни сақлаш анча яхшиланди.

Таможнянинг катта инспектори Н. Анналиев соатига қараб:

— Бир неча минутдан сўнг катта бир темир йўл составн келади, — деди. Тез орада Нури графикка аниқ мувофиқ келган товар поезди ёнида тегишли йўл ёқалаб борарди. Поезднинг юклари интернационал дўстликка яққол далилдир.

— Платформалардаги экскаваторлар, грейдерлар, юк автомобиллари гидроиншоотларни суғориш системалари қурувчиларга аталган, —дейди Анналиев.— Улар афғонистонлик дўстларимизга ер ислоҳотини амалга оширишда ўз ҳаводек зарурдир. Саноат машина-ускуналари ортилган вагонлар электр станцияларини, нефть базалари, бошқа халқ хўжалик объектларини қуришга юборилмоқда. Мана шу транзит юк Чехословакиядан келган— қардош мамлакат Хиротда цемент заводини қуриш учун Афғонистонга ёрдам бермоқда. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан чиққан ҳар хил юклар ҳам бизнинг таможнядан ўтиб туради.

Совет Иттифоқидан чиққан поезд деҳқон кооперативлари, қурилиш объектлари оладиган юклардан ташқари ҳар бир афғон хонадонига зарур ун, гуруч, ёғ, идиш-товоқ, совун, рўзғор асбоблари, болаларга аталган моллари ҳамдўст мамлакатга элтиб беради.

— Кечқурун шу состав СССРга аталган юкларни ортиб қайтиб келади. Давлатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ўзаро манфаатли негизда тузилганлиги маълум. Биз АДРдан қишлоқ хўжалик экспортининг анъанавий молларини олиб турамиз, — деб давом этди катта инспектор.

А. Колеватих дўстлик трассасида ишлаётган афғон шоферлар билан суҳбатлашишни таклиф этди. АДРдан навбатдаги машина келганида (бундай машиналар кунига элликтага қадар боради) ҳайдовчи Ғулом Сахий билан таништик. Шунда тармижонга эҳтиёж бўлмади, ҳисоб. Ҳолбуки, шарқ тилларидан олий маълумотли мутахассис бояги танишимиз Нури Анналиев зарурати бўлса бизга ёрдам бериши мумкин эди.

Афғон шофер русчалаб:

— Совет Иттифоқидан ўн саккиз йилдан бери юк ташийман, — деди. —Уйим жойлашган Турғунди посёлкасида кўпгина ҳайдовчилар истиқомат қилишади. Ватанимизга муҳим иш қилаётганлигимиз билан фахрланамиз. Совет кишилари янги ҳаёт қуришда бизга кўмак бермоқдалар, улар асл дўстлардир. Таможняда ҳам шу гап ҳамиша сезилиб туради.

Энг жанубий таможнянинг оддий иш кунлари шундай. Бу ерда ҳар куни икки мамлакатнинг дўстлиги тобора қалинлашиб бормоқда.

Е. ПРИХОТКО.

РОБОТ КОМАНДАЛАРИГА МУВОФИҚ ПАРМАЛАШ

Кривой Рог кончилик ҳавзасининг очиқ конларидан бирида портлатиладиган қудуқларни пармалашни электрон қурилма бошқармоқда. Уни Москва кончилик институтининг илмий ходимлари яратдилар.

Робот чарчаш нима эканлигини билмайди ва пармалашни ҳамиша ҳар қандай кон-геология шароитларида ҳам энг мақбул режимда олиб боради. Масалан, парма қудуқ қазиётиб, лой қатламига дуч келса ва унга лой тиқилиб қолаверадиган бўлса, датчиклар шу ҳақда дарров қурилманинг электрон мнясига хабар беради ва шу ёқдан механизм учун команда келади. Бу команда исканани кўтариб дам билан лойини туширади ва пармалаш бемалол давом этаверади.

— Фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазишни жадал ривожлантириш — кончилик саноатидаги фантехника тараққиётининг муҳим йўналишларидан биридир, — деди ечим раҳбари, кончилик институтининг профессори Б. Кутузов. — У шахталардагига нисбатан кўпроқ иш унумига эришишга имкон беради. Бунда қазиб олинадиган маҳсулотнинг таннархи анча арзонга тушади. Шунинг учун ҳам портлатиладиган руҳлар пармалаш жараёнини арзон қилишнинг аҳамияти ғоятда муҳимдир.

Кейинги пайтларгача машинистларнинг меҳнати энг қийин ишлардан бири бўлиб ҳисобланарди: бутун смена давомида уларга шовқин ва дирилаш таъсир этиб турарди. Биз парма станокларини автомат «Горизонт» электрон системасини ишлаб чиқдик. Станок турли геология шароитларига ўзи мослашиб пармалаш тезлигини созлаб борганлигидан ишлаш унуми 15 процентгача кўтарилади. Ундан фойдаланиш орқали бир группа станокларни бригина оператор ишлатиши учун имконият очилади.

Москва.

Р. АҲМЕТОВ. ТАСС мухбири.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Зарарли одатми?

Ҳурматли редакция! Овқатланаётган пайтда бирор нарса ўқиш зарарли, дейишади. Шу тўғрими!

Марҳамат Бурхонова, бинокор.

Овқат ҳазм бўлиши — мураккаб физиологик жараён. Овқат меъдага тушмасдан олдин ферментларга бой меъда ширасини ажралади, бу иштаҳа очилиши билан рўй беради. Иштаҳа овқат ҳазм бўлиши жараёнига жуда яхши таъсир қилади. Иштаҳа билан ейилган овқат танага яхши сингади.

Овқатланаётган пайтда китоб ёки газета ўқилса ҳазм безлари ишини ва меъда ширасини ажралишини тормозлайди, иштаҳа йўқолади, одам еган овқатидан лаззат олмайди. Одам таомни еб туриб ўқиганида луқмани чала-пула чайнаб ютади. Чала чайналган овқат меъдага тушиб, яхши сингмайди. Бундай ҳодиса тез-тез рўй бериб турадиган бўлса, одам гастрит, яра касаллиги, меъда ости бези яллиғланишига учраши мумкин. Бундан ташқари, овқат пайтида ўқишга берилиб кетган одам керакмас нарсани ютиб юборганини билмай қолиши, ҳалқум, қизилўнгачини шикастлаб қўйиши мумкин.

Овқатланаётган пайтда ўқийдиган одам кўзини дастурхондан газета ёки китобга тез-тез олишга мажбур бўлади, бунда текст билан дастурхон орасидаги масофа ҳар сафар ўзгаради ва кўз бунга доим мослашиши керак бўлади. Кўзга бундай нагрузка тушаверса, кўз вақт ўтиши билан хираланиб қолиши мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, дастурхон атрофида бирор нарса ўқиб ўтириш атрофдагиларга, овқатни пиширишга қанча вақтини, кучини сарфлаган одамга нисбатан ҳурматсизлик ҳам демакдир. Зеро, овқатланиш маданияти умумий маданиятнинг бир қисми ҳисобланади.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

Қитъалардан дараклар

БУДАПЕШТ. Венгрия саноатсозлари шу беш йилликда халқаро миқёсда зўр эътибор қозондилар. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар бир қанча энг катта халқаро виставкаларнинг совринлари ва мукофотлари билан кўп марта тақдирланди. Ўтган давр ичида шу тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб бир ярим баравар ошди. Ҳозирги вақтда мамлакатда станокларнинг 150 дан кўп хили ишлаб чиқарилмоқда. Бутун маҳсулотнинг қарийб 90 проценти экспорт қилинмоқда. Совет Иттифоқи Венгрия станокларини энг кўп харид қилувчи мамлакатлардан биридир. Бу йил СССРга Венгрия корхоналарида ишлаб чиқарилган станокларнинг жуда кўпи юборилади. Булар орасида рақамли программа билан бошқариладиган ускуналарнинг янги турлари ҳам бор.

• • •

ЛОНДОН. Инглизларнинг тобора кўпчилиги консерваторлар ҳукуматининг мамлакат сув ости флотини Американинг энг янги «Трайдент-2» ракета — ядро системаси билан таъминлаш режаларига қарши қатъий курашмоқда. Йоркшир ва Хамбер графликларида ядровий қуролсизланиш учун ҳаракат вакиллари ўтказган жамоатчилик фикрини ялпи сўраб чиқиш натижалари шундан далолат беради. Сўраб чиқилган кишиларнинг 80 процентдан кўпи ядро урушини бошлайдиган мана шундай янги воситаларни харид қилиш мамлакат хавфсизлигини мутлақо мустаҳкамлаймайди, деб фикр билдирди.

«Трайдентларни» сотиб олиш, деб таъкидланади матбуотда, Англия солиқ тўловчилари учун консерваторлар турли социал-иқтисодий программаларни қисқартириш ҳисобига «тежаб қолган» камида 9 миллиард фунт стерлингга тушади. Мамлакатнинг тинчликсевар жамоатчилиги бир неча марта таъкидлаганидек, гап Британия ядро аслаҳаханаларини анча кенгайтириш, уларни янги ажал қуроллари билан тўлдириш ҳақида бораяпти.

• • •

МАНАГУА. Регионда ўз ҳарбий аскарлари ва техникасини кўпайтираётган ҳамда Никарагуа халқига қарши агрессияни кучайтираётган АҚШнинг айби билан Марказий Америкадаги вазият ғоят кескинлашди. Никарагуа соғлиқни сақлаш министри Леа Гидохоним медицина масалаларига бағишланиб ўтказилган иккинчи Никарагуа—Америка коллоквиуми ёпилишида шу ҳақда гапирди.

Анжуман ишида Никарагуанинг таниқли врачлари, шунингдек АҚШ ва Канададан келган 200 дан зиёд медицина ходими иштирок этди. Улар сандиноччилар революциясига қарши АҚШ олиб бораётган пинҳона уруш оқибатларини кўриб чиқдилар. Америка маъмурияти қўллаб-қувватлаётган ҳамда МРБ пул билан таъминлаб турган сомосачи каллакесарлар минглаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қуритди. Мамлакатда газандаларнинг террорчилик хатти-ҳаракатлари натижасида ўнлаб иқтисодий ва жамоат объектлари, шу жумладан медицина муассасалари вайрон бўлди.

БРАЗЗАВИЛЬ. Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида бу ерда имзоланган иккита протокол ва битим Совет Иттифоқи билан Конго ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳужжатларга мувофиқ, совет томони қишлоқ районларни аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун қудуқлар қазиш программасини ҳамда мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни ва бир қанча лойиҳаларни амалга оширишда КХРга ёрдам беради. СССР республика қишлоқ хўжалиги учун кенг профилли механизаторлар тайёрлайдиган иккита ҳунартехника марказини ташкил этишда ҳам кўмаклашади. Браззавилл кattaлиги жиҳатидан мамлакатнинг иккинчи шаҳри бўлган Пуэнт-нуар билан боғлайдиган магистралнинг айрим участкалари қурилишида қатнашади.

3 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

12 ОКТЯБРЬ, 1984 й.



Бутун дунёга таниқли «Жок» давлат академик халқ рақс ансамбли репертуарида СССР халқларининг рақслари, болгар, венгер ва бошқа халқлар рақслари бор.

СУРАТДА: ансамбль артисти Ольга Горшенева.
М. Потирник ва А. Сименовский фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

• *Куз неъматлари*

Тоққа чиқмасангиз дўлона қайда?

Она-табиат яратган ноз-неъматларни инсон доим ўз ҳис-туйғулари билан ҳамоҳанг тарзда мадҳ этади. Жумладан, тоғнинг шифобахш неъмати— дўлана ҳақида шундай ҳикмат бор:

Тоққа чиқмасанг — дўлона қайда,
Жафо чекмасанг — жонона қайда?

Дўлана тоғли районларда, денгиз сатҳидан 1000—2600 метр баландликдаги тоғ ёнбағирларида, сойларда якка-якка бўлиб ёки катта майдонларда дўланазорлар ҳосил қилиб ўсади. Унинг баландлиги 6—10 метргача етади, у 200—300 йил ҳосил бериб ўсади. Ватанимизда дўлананинг 50 тури учрайди.

Дўлананинг меваси одамлар қадимдан озиқ-овқат сифатида фойдаланиб келишади. Меваси шакарга, минерал тузларга, вино ва лимон кислоталарига бой. Гулларида эфир мойлари бўлиб, уларнинг асосини триметиламин ва кварцитин моддаси ташкил қилади. Дўлананинг таркибида яна бир қанча кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар ҳам бор.

Дўлананинг доривор препаратлари юрак касалликларида (юрак ишининг функционал бузилиши, қон босими касаллигининг бошланишида) ишлатилади. Бундан ташқари, аёлларда климакс даврининг дастлабки пайтида ишлатилади.

Боғ-роғларинг атрофига дўланалар экилса, у ерга уй ҳайвонлари қуёнлар ва бошқа ҳайвонлар ўтлолмайди. Яшил девор одамларга бир неча аср хизмат қилиши мумкин. Бўрининг тирноқларига ўхшаш ўткир тиканли дўланаларнинг 400 йилгача яшаши аниқланган.

Дўлананинг тиканли манзарали новдаларида баҳор фаслларида сайроқи қушлар яйрайди. Унинг ўткир тиканли новдалари қушчаларни ҳар қандай йиртқичлардан асрайди. Шунинг учун дўланалар ўсган ерларда қушлар кўп бўлади.

Дўлананинг меваларидан кисель, қиём тайёрланади. Қуритилган ва майдаланган мевалари эса, қадим замондан бери хамирга қўшиб нон ёпишда ишлатилиб келинган. Бу эса, нонга алоҳида лаззат бағишлайди. Дўлана дарахтининг қобиғи газламаларга қизил ранг беришда ишлатилади. Ёғочи маҳкам ва чиройли бўлиб, улардан ҳар хил ўйинчоқлар ва бадиий идишлар тайёрланади. Улар қуруқ шамоллар кучини пасайтириб, иҳота дарахтлари сифатида ҳам ишлатилади. Мустаҳкам илдизлари жарликларни эррозиядан —тупроқнинг ювилиб кетишидан сақлайди. Дарё қирғоқлари ва қияликларни безаб туради. Шаҳар парклари, кўчаларига экилади.

Дўлана асосан уруғидан кўпаяди. Уруғини сепишдан олдин стратификация қилиш, яъни унга ишлов бериш зарур. Илдиз бачкисидан ва пархиш йўли билан ҳам кўпаяди. Пайвандтаг сифатида ҳам ундан фойдаланиш мумкин. Унга нок, олма ва беҳи уланади.

М. СОБИРОВ,
А. РЕШЕТНИКОВ,
Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимлари.

• ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ СИРЛАРИ

ХОНБАЛИҚ СЕМИРАДИГАН БЎЛДИ

Хон балиғи майда, гўшти жуда мазали ва тез ҳазм бўладиган парҳез таом ҳисобланади. Бу балиқ камёб бўлгани учун жуда қиммат сотилган. Шунинг учун балиқни баъзан «хон балиғи» деб ҳам аташади.

Канадалик генетик олимлар махсус гармон ёрдамида майда хон балиғи чавақларини улкан, ҳар бири кам деганда 50 килограмм келадиган балиқ даражасига чиқариш устида илмий ва амалий иш олиб боришмоқда.

ТОВУҚЛАР УЧУН МУЗИКА

Совет ветеринар олимларининг аниқлашларича, фермадаги товуқ, хўроз ва жўжалар мутлақ жим-житликни ёки темир йўл шовқинини, тақур-тақур, ғирчиллаш каби товушлар чиқадиган жойда иштаҳаси бўғилиб, ўсиши секинлашар экан.

Олимлар паррандаларга ёқадиган музика гулдастасини танлашди. Музика куйи чалинганда атрофдан келаётган ёқимсиз товуш бўғилиши билан паррандалар кайфияти яхшиланди. Натижада товуқлар тез ривожланиб, тухумлари ҳам йирик-йирик бўла бошлади.

СУДЛАНГАН ФИЛ

Яқинда Неаполь шаҳар судхонасида айбдор филни суд қилишди. Фил мевазор боғни, жўхори даласини ва уйни бузганликда айбланди. Бу жиноий ишлари учун судья филга ҳукм чиқармай, балки фил эгасини айбдор деб топди. Маълум бўлишича, филга эгаси яхши қарамагани учун боқувсиз қолган фил шундай «жиноят» қилган экан.

КУРШАПАЛАКНИНГ ОДАТИ

Чехословак олимларининг таъкидлашларича, мамлакатда кўршапалакларнинг 24 тури яшар экан. Олимлар кўршапалак оёғига ҳалқалар боғлаб, улар ҳаётини чуқур ўрганишди. Баъзи бир тур кўршапалаклар қишлаб қолса, баъзи бир тури иссиқ мамлакатларга бориш учун 900 километрлаб учишга мажбур бўлар экан.

ҚИСҚИЧБАҚА КУПАЯДИ

Ростов-Дон шаҳрида денгизларда яшайдиган қисқичбақалар етиштириладиган завод ишлай бошлади. Махсус ишлов берилган сувли ҳовузда қисқичбақа уруғи очирилиб, худди балиқдай бир йил боқилади. Кейин катталашиб қолган қисқичбақаларнинг кўпайиши учун катта сувларга қўйиб юборилади. Шундай қилиб, ноёб ва фойдали жонворни сунъий кўпайтириш мўлжалланмоқда.

С. ҒАФУРОВ тўплаган.

Борис РЯБЕНЬКИЙ.

ТОЛИҚҚАНДА

(ШИНГИЛ ҲАЖВ)

— Алло, Литкин, сенмисан?

— Ҳа, мен, Василий Михайлович. Салом!

— Соғлиғинг, ишларинг қалай?

— Раҳмат, ёмон эмас.

— Менинг соғлиғим эса, оғайни, ёмон. Жигарим ҳуруж қиляпти. Боржомига бориб даволаниб келай десам, путёвка йўқ.

— Бай-бай-бай! Чатоқ бўпти-ку.

— Театрга тушиб бир оз кўнгил ёзай десам, киядиган дурустроқ костюмим ҳам йўқ.

— Тушунарли, Василий Михайлович.

— Телевизорим ҳам чатоқ, экрани ёришмайдиган бўлиб қолди.

— Айб кинескопда, демак...

— Машинамни юргизолмаяпман: аккумулятори ўтириб қопти. Юз йилдан бери ҳаммомга тушиб яйраб ювинолмайман, навбатининг катталигидан унга киришнинг иложи бўлмаяпти.

— Бизда ҳаммом бемалол, хизматга доим шай.

— Энг муҳими, Литкин, онлавий муҳит толиқтириб қўйди. Болалар жонга тегди, хотинини кўрарга кўзим йўқ. Икки-уч ҳафта мундоқ одамларга ўхшаб дам олсам, табиатнинг инсон қадами етмаган хушманзара жойларига борволиб, бир қўлда шашлик, бир қўлда қармоқ тутган ҳолда ажойиб улфатлар билан қадаҳ уришгириб, олди-қочди гаплардан гаплашиб яйрасам дейман...

— Бунга мен тайёрман, Василий Михайлович.

— Жуда соз. Ундай бўлса душанбадан ревизияни бошлайверамиз, оғайни!

Т. МАҲМУДОВ таржимаси.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

• КОСМОНАВТ БАҲОСИНИ ОЛГАН ТЕПЛИЦА

Йилнинг истаган фаслида дастурхонингизда петрушка, кўкпиёз ва бошқа резаворларнинг бўлганига нима етсин! «Флора» хона-теплицасида йилнинг ҳамма фаслида ғарқ пишиқчиликнинг гувоҳи бўласиз. У Винница радиотехника аппаратлари заводининг маший техника конструкторлик бюросида яратилган. Бу ерга ўрнатилган махсус қурилмалар шарофати туфайли резавор ўсимликларнинг барқ уриб ўсиши учун зарур иқлим шароитлари яратилган.

СССР космонавт-учувчиси Ю. В. Романенко винницалик қўли гул кишиларнинг бу ишини баҳолаб «Бундай теплица бизларга космосда жуда ҳам асқотади» деб айтди.

• АҲОЛИ СОНИ ОШМОҚДА

Польша Халқ Республикаси статистика Бош бошқармасининг берган хабарига кўра мамлакат аҳолисининг сони ўттиз еттинчи миллионли белгидан ўтди. Кейинги йилларда аҳоли сони ўсишининг суръатлари айниқса ошганлиги кўзга яққол ташланди. Минг аҳолига 10,2 та янги туғилган чақалоқ тўғри келди. Бу— Европадаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Агар буржуа Польшасида инсоннинг ўртача умр кўриши қирқ саккиз ёшни ташкил этган бўлса, эндиликда у 67,2 ёшгача кўтарилди.

• РАСМ ЧИЗАДИГАН КОМПЬЮТЕР

Мультфильмларни ким ҳам севмайди, дейсиз? Бироқ бундай фильмларни яратиш бирмунча мураккаб ва кўп меҳнат талаб этадиган процессдир. Айниқса, у малакали рассомларнинг ойлаб ишлашини талаб қилади. Рассомларнинг ана шундай машаққатли ишини енгиллаштиришни ўйлаган Венадаги техника институтининг ходимлари компьютер яратдилар. Бу компьютернинг «ўзи» расмлар чизади ва уларни турли рангларга бўяйди. Агар илгари саҳна расмини чизишга ҳатто тажрибали рассом бир кун вақтини сарфлаган бўлса, эндиликда компьютер бу вазифани бор-йўғи бир неча дақиқадаёқ бажаради.

• ОЙГА... ЯЕВ ЧИҚҚАН КИШИ

Лондонда истиқомат қиладиган Унлфред Крипс пиёда... Ойгача «чиққан» киши ҳисобланади. Бунинг учун унга бор-йўғи 34 йил керак бўлди. Мистер Крипс асли соатсоз устадир. Ана шу йиллар мобайнида у Лондондаги машҳур бўлган минорали соатларнинг эгри-бугри минораси зиналаридан чиқиб, умумий ҳисобда икки миллиондан зиёд зинага кўтарилди...

• БИР ОЙДА ЕҚҚАН ЁМҒИР...

Ўтган сентябрь ойи Бельгия учун ана шу юз йилликдаги энг кўп ёғингарчиликлар ёққан ой бўлди. Яқинда Қироллик метеорология институти ана шу ҳақда хабар қилди. Мамлакат узра ўртача миқдордаги 69,8 миллиметр ўрнига 198,8 миллиметр ёғингарчилик ёғди. Қуёш ўз ёғдусини таратиб турган вақт 154 соат ўрнига бор-йўғи 66 соатни ташкил этди. Сентябрь ойининг ўттиз кунидан йигирма олти куни мобайнида ёмғир ёғиб турди. Об-ҳаво инжиқликлари олма, қанд лавлаги ва маккажўхори ҳосилига жиддий таъсир кўрсатди.

• «ИЛТИФОТЛИ» АВТОБУС

Икки йилдан кейин Франция шаҳарларининг катта кўчаларида янги автобуслар қатнай бошлайди. Уни конструкторлар ҳазиллашиб «илтифотли» автобуслар деб аташди. Машинага 120 пассажир сиғади, бекатларга келганда эса кишиларнинг автобусга чиқиши ва ундан тушишини енгиллаштириш мақсадида у саккиз сантиметрга «пасаяди».

• ЭНГ УЗУН АВТОБУС ЛИНИЯСИ

Австралияда энг узун автобус линияси мавжуд. Бу линия Портез ва Мельбурн шаҳарларини бир-бири билан боғлайди. Бинобарин, бу шаҳарлар ўртасидаги масофа беш яримм минг километрга яқиндир. Шу маршрут бўйлаб чиққан автобуслар бекатларни қўшиб ҳисобланганда 60 соатдан ортиқ йўл босади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕ

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —12Х/ да **Оловли фариштa**, 13/Х да **Масхарабозлар**, 14/Х да **Уйқудаги гўзал** (12.00), **Оловли фариштa** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —12/Х да **Отелло**, 13/Х да **Келинлар қўзғолони**, 14/Х да **Олтин девор** (12.00), **Баланд қоядаги аёллар** (19.30).

кино

12 ОКТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АМРАПАЛИ»— **Санъат саройи** (катта зал, 17, 19.45, телефон 44-21-74).

«ТУГАЛЛАНМАГАН ҚЎШИҚ»— **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18.30, 21.00, телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00, телефон 33-44-52).

«ҚОЛАҚОЛ, КАТРИН» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-23).

«ОЧКЎЗЛИККА ҚАРШИ МАККОРЛИК»— **Чайка** (18.30, 21.30, телефон 77-06-20).

«ИСТИРОҲАТ БОҒИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚУТЛОВ» — **Қозоғистон** (17, 20.00; 12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ОТЛАРНИ ЭГАРЛАШ ВАҚТИ БЎЛДИ» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ПАРОЛЬ: МЕҲМОНХОНАСИ» — **Москва** (жуфт соатларда, телефон 33-05-01).

«КЛЕОПАТРА» — **Нукус** (18.30, 21.00, телефон 46-70-69).

«УНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚА БОШЛАДИ» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҲАЁЛИЙ БАХТ»— **М. Шайҳзода номли** (18.30, телефон 42-39-74).

13 ОКТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АМРАПАЛИ»— **Санъат саройи** (катта зал, 17, 19.45, телефон 44-21-74).

«ТУГАЛЛАНМАГАН ҚЎШИҚ»— **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00, телефон 33-44-52).

«ҚОЛАҚОЛ, КАТРИН» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-23).

«ОЧКЎЗЛИККА ҚАРШИ МАККОРЛИК» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ИСТИРОҲАТ БОҒИ» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚУТЛОВ» — **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00; 12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ОТЛАРНИ ЭГАРЛАШ ВАҚТИ БЎЛДИ» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ОТЛАРНИ АСФАЛЬТДА БОҚИБ»— **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01). **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«КЛЕОПАТРА» — **Нукус** (18.30, 21.00, телефон 46-70-69).

«УНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚА БОШЛАДИ» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЯРАДОР ҲАЙҚИРИҒИ»— Янгиобод (18.30, 21.00, телефон 96-36-21).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

15 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИНОТЕАТРЛАР ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА

«ГРЕТА» ВИЛЛАСИНИНГ СИРИ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ



Сценарий авторлари —Т. ЛИСИЦИАН, В. МАЛИШЕВ.
Режиссёр Т. ЛИСИЦИАН.
Ролларда: И. КАЛНИНЬШ, А. ЗБРУЕВ, Е. ФИНОГЕЕВА, Ю. СОЛОМИН. В. ТОМКУС ва бошқалар.

Ушбу сиёсий детектив воқеалари бизнинг кунларимизда Ғарбий Европа мамлакатларидан бирида содир бўлади. Бўлиб ўтадиган парламент сайловларида сўл партиялар ғолиб чиқишидан хавотир олган реакция кучлари АҚШ махсус хизматларининг кўмагида тўнтариш қилишга тайёрланадилар. Бу фитнани яширин ўтказиш учун ЦРБ агентлари «Қалқон ва дубулға» сирли масон ложасидан фойдаланадилар.

Ложа орқали улар буржуа партиялари раҳбарларини, кўплаб генералларни, полиция ва махсус хизматлар вакилларини ўз таъсирларига бўйсундиришга эришадилар.

Ўзи ҳам кутмаган ҳолда жиноят хроникаси репортери Ян Плинто бу фитна сирларидан огоҳ бўлиб қолади. Сенсация материали орқали ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишга умид боғлаган журналист фоторепортёр дўсти Трани ёрдамида фош қилувчи репортаж ёзишга қарор қилади. Марказий разведка бошқармасининг ашаддий резиденти дўстларнинг изига тушади. Ёлланган талончилар томонидан ёвузларча калтакланган Трани курашдан чиқади.

Яннинг қайлиғи — Королина ўғирланади.

Плинтонинг тақдири нима бўлди? Авторлар фильмни очиқ якун билан тугаллаб, уни икки оралиқда қолдирадилар.



«Мосфильм» киностудияси маҳсулоти.

«Главташкентстрой»
«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг
54-механизация бошқармаси

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА МИНОРАЛИ КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

4,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲАР ОЙДА 75 СЎМ МИҚДОРИДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

Курсларга камида 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келган йигитлар қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ёлғиз кишилар ётоқхона ва Тошкент шаҳрида прописка билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 700096, Тошкент шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 6-уй (4, 9, 11-трамвайлар; 13, 29, 70-автобусларнинг «Оқтепа майдони» бекати). Ўқув комбинати. Телефонлар: 78-05-17, 78-05-15.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ

15 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ОЛИЙ ЛИГАНИНГ «ПАХТАКОР» (Тошкент)—«ДНЕПР» (Днепропетровск) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ КАССАЛАРИ ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ВА КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

ТВ ЖУМА

12 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.40 В. Моцарт. Флейта ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
18.05 «Андалусия — Испаниянинг қалби». Киношарҳ.
18.45 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». «Қурувчилик шуҳрати ҳақида».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.45 ҚИРҒИЗИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИ ВА ҚИРҒИЗИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТУЗИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 М. Фрадкин асарларидан концерт.
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Сизлар қандай кишилар бўлиб етишасиз». Ҳужжатли фильм.
19.10 Бадиий ҳаваскорлик ижодиёти Бутуниттифоқ кўриги.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Теннис бўйича СССР чемпионати. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Фамилиядош». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Парашют спорти бўйича СССР чемпионати. Краснодардан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.30 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
19.00 «Кабарда-Балкар диёри тароналари». Кабарда-Балкар АССРда хизмат кўрсатган артист М. Текуев куйлайди.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ишчанлик вазнятидаги учрашувлар». Телетомошабинларнинг савол-лариға Ўзбекистон Енгил саноати министри М. Х. Қурбонов жавоб беради (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.55 «Мақом кечаси». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти О. Алимахсумов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 Молдавия ССР ва Молдавия Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ажойиб тақдирли кишилар».
23.30 Янгиликлар.
18.10 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

18.15 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
18.55 «Лоқайдлик». Телефильм.
19.10 «Ғалла ҳақида ўйлар». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Екатерина саройи». Телефильм.
20.50 «Озиқ-овқат программаси— халқ фаровонлигининг асоси» (рус.).
21.20 «Денгиз билан дўстлашиб». Телефильм.
21.30 МТ II

Шанба

13 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар.
10.45 «Спортлотонинг 41-тиражи.
10.55 Жаҳон халқларининг ижоди (ГДР).
11.20 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.50 «Ўрток қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Фрунзе шаҳридан олиб кўрсатилади.
12.30 «Давр ва ўзим» А. Сурков ижодига телефильм.
13.30 «Оила мактаби».
14.00 «Дунё воқеалари».
14.15 «Яшил дала тонг... Бадиий фильм.
15.30 «Ҳамдўстлик». Телепионати. «Динамо» (Киев) — «Спартак». В. И. Ленин номли Марказий Спорт саройидан олиб сатилади. Танаффусда — «Агар соат десанг».
18.15 «Ҳайвонот оламидан».
19.15 Сиёсий шарҳловчи Бекетов суҳбати.
19.45 Мультфильмлар.
20.05 «Кичик ҳикоя учун». Бадиий фильм, «Ленфильм» ва «Тельсинефильм» ҳамкорлиги).
21.30 «Время».
22.05 «Балли, қизлар». Бадиий ҳўжалик ходимлари ўртасида КВН курси.
23.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлсак».
9.30 «Асли болаликдан».
10.15 «Рига» духовой чалади.
10.35 «Модомки сен экансан...» Ҳужжатли фильм.
11.00 «Тонгги почта». Кўрсатув.
11.30 Ритмик гимнастика.
12.00 Мультфильмлар.
12.30 Спорт ҳақида ҳикоялар.
13.20 Кичик концерт.
13.35 КИРОВ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ПРОГРАММАСИ.
14.40 «Саёҳатчилар клуби».
15.40 «Музикали кюсс».
16.10 «Васийлар». А. Кийнинг «Сўнгги пьесаси асосида такль.
18.30 «Халқаро обзор».
18.45 «Опера саҳнаси». Н. Д. Шпиллер ҳикоя кўрсатув.
19.45 «Здоровье».
20.30 «Тунингиз хайрли кичкинтойлар».
20.45 Теннис бўйича чемпионати. Тошкентда кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Республика телевизион бадиий
23.20 Хоккей бўйича чемпионати. «Химик» (Мо-мо» (Рига). 2- ва 3-
● УзТВ I
10.00 «Ахборот».
10.30 «Ассо». Болалар фильм-концерт.
10.45 «Сен, менинг Бадиий фильм (рус.
12.10 Тошкент абрази Тим-тим ҳаваскор самблининг концер
12.40 ЎзССР ва Ўзбекистон партияси ташкилотларининг 60 йиллигига. Нинзий. «Бой ила Ҳамза номли Ўзбекистон академик драма спектакли.
14.30 «Замандаш». Қишлоқ ходимлари ўртасида КВН (козоқ тилида).
15.30 Мактаб ўқувчилари «Светофор».
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мактаб ўқувчилари «Мўъжизалар олами ҳақ» (рус.).
19.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Кулол М. Ғ.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Телевизион кичик театри.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Санъаткорлар — ларга». Музикали ма.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга
22.25 Телевидение ҳафтаринчи марта. «Ялла да бегона, бегона ўзга». Бадиий фи
24.00 Кўрсатувлар програ

Тожикистон телевидениеси программаси

9.00—16.10 МТ II
18.00 Кўрсатувлар прог
18.05 Болалар учун кон
18.50 «Иштиёқ». Телеф
19.00 «Новости».
19.20 «Умид». Телеспе
20.00 «Ахбор».
20.25 «Жаҳон бир қар
20.40 «Атом билан Ҳужжатли фильм
21.00 «Саёҳат-ла олам
21.30 МТ II

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ (ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ)
— орган Ташкентского горкома Узбекистана и Ташгорсовета
(Газета бир йилда 300 марта чи

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: секретариат— 33-57-02; партия турмуши— 32-53-66; саноат —33-08-74; —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; совет ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юрт — 32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-91-42; диспетчерн — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Матбуот уйи. Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 6

Р—12507. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8